



АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК



Байналмилал маданий марказлар

Дўстлигимиз
мустаҳкамланаверади

АГАР мендан ўн бора сўрасалар ҳам дунёда энг қудратли куч — бу дўстлик деб жавоб берган бўлур эдим. Негаки биз, турли миллат вакиллари бир-биримизга меҳр қўямасдан, ишонч билан ёндашмасдан яшай оламиз. Шунинг учун ҳам баъзан виллоятимизнинг у ёки бу бурчада мушкул ҳолатлар рўй бериб қолганида шу дўстлигимиз ҳақида ўйлаб кетаман. Нима бўлди ўзи бизга, деб ҳаёлларга толамиз.

Биз ўзимизга истиқомат қилаётган Оржоникидзе ноҳиясида байналмилал дўстлигини маҳкам ушлатганимиз. Бу ерда яшётган 140 мингдан кўпроқ аҳолининг ярмидан ортиқроғи туз миллат вакиллари бўлса, қолганлари, қозоқлар, руслар, тожиклар, қрим татарлар ва бошқа миллат вакиллари билан иборат.

Ноҳия партия, совет ташкилотлари, маданият бўлими ҳудудимизда истиқомат қилаётган бирон миллатнинг камситилмаслиги учун бор имкониятлардан фойдаланмоқда. Шу асосда байналмилал маданий марказ ташкил этиш ташаббуси тутилган эди. Бунинг учун турли миллат вакиллари билан суҳбатлашиб бўлажак марказнинг моҳияти, мазмунини тушунтирдик. Шундан сўнг жойлардан марказнинг таъсис конференцияси вакиллари сайланди. Эл орасида ҳурмат, эътибор-

га сазовор бўлган бу кишилар ўтган йил ўз конференцияларига тўп-ландилар. Конференцияда 6 та кенгаш — яъни ўзбек, қозоқ, тожик, рус, татар ва қрим-татар кенгашлари тўзилди. Ҳар бир кенгаш ўзининг раисини сайлади. Журналист Озод Искандаров эса байналмилал маданий марказ раиси этиб сайланди. Уша куни конференция бўлиб ўтган «Қизил Ўзбекистон» колхозининг маданият саройи фойсисда ташкил этилган турли кўргазмалар бу ерга келувчиларнинг барчасининг диққатини ўзига тортди. Яъни бунда ҳар бир кенгаш ўз халқининг миллий анъаналари, либослари, ҳатто қадимда ишлатилган асбоб-ускуналарини намойиш этди. Демак, байналмилал маданий марказ халқлар ўртасида дўстлигини мустаҳкамлаш билан бирга, ҳар бир халқ аввало ўзининг анъана ва маросимларини тиклашда катта эрдан берилади.

Маълумки, Паркент воқеаларидан сўнг 1,5 мингга яқин меҳсети турклар ноҳиямиздаги санаторийга жойлаштирилган эди. Марказимиз аъзоларининг аҳоли ўртасида олиб борган феол тушунтиришлари туфайли халқимиз бу жабрдийдаларни ҳамдардлик билан кутиб олди-лар, бир ой давомида уларга қўларидан келганича ахшилик қилиб,

сўнг кузатиб қўйдилар.

Шунингдек, ҳозирги кунда тур-гунлик йиллари йўл қўйилган жуда кўп католиклар ҳам кўзга аяққол ташланиб қолмоқда. Масалан, аксарият қозоқ ёки тожик халқи зич яшайдиган жойда ўзбек ёки рус мактаби бор. Демак, ўша ерлик халқ ўз она тилларида ўқишдан маҳрум. Маданий марказ аъзоларининг таклифлари билан ана шундай жойларни ўрганиб, қўшимча синфхоналар ташкил қилинмоқда. Жумладан, «Химик» совхозиде аксарият тожик халқи истиқомат қиларди. Лекин бу ерда бирорте ҳам тожик мактаби йўқ эди. Яқинда маданий марказнинг тожик кенгаши ташаббуси билан бу ердаги мактабда дарслар тожик тилида олиб бориладиган синф ташкил этилди.

Шунингдек, марказнинг қозоқ кенгаши ҳам самарали ишламоқда. Унга 28-мактабнинг ўқитувчиси С. Калимбетов раҳбарлик қилаётди. Яқинда кенгашнинг 22 нафар жон-қуяр аъзолари ташаббуси билан «Қиёрай» маданият уйида қозоқ адабиётининг атоқли намояндаси, шоир ва драматурги Собит Муқонов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган дўстлик кечаси кўпчиликлари манзур бўлди.

Бундан бунён ҳам байналмилал маданий марказнинг ҳар бир кенгаши аъзолари ўзларининг анъанавий байрамлари ва танлики кишиларига бағишланган турли адабий кечаларни ўтказиб боришни режалаштирганлар. Шунингдек, яқин кунлар ичиде «Қизил Ўзбекистон» колхозини қўриқчи саройида олти қардош халқнинг ҳар бирининг ҳаёти, урф-одатлари ва анъаналарини акс эттирувчи домий кўргазма ташкил этилади.

С. АТЕГОВ.

Оржоникидзе ноҳияси партия комитети мафкура бўлими мудри.

● КАЛИНИН ноҳиясида аҳолига қулайлик яратиб мақсадида кейинги пайтларда бир неча дўкон, чойхона ва ноновойхоналар ишта туширилди. «Табнат инъомла-

ри» деб номланувчи дўконда мева-сабзавот ва қўндаларини сархил ҳолда, шунингдек, лавия, мош ва ер ёнқоқларини харид қилишлари мумкин. Катта йўл ёқа-

сида очилган ноновойхонада миқозларга куну тун иссиқ нон етказиб берилади. Ноҳия марказидаги «Гунафша» чойхонасида қариялар билан бирга ёшлар ҳам ҳордиқ чи-

қариб, тамалди қиладилар. Суратларда: сабзавот ва мева дўқони; ноновойхона; «Гунафша» чойхонасининг ташқи кўриниши. М. НАЗАРОВ суратлари.



● Минбарга луқма

ҚАРОР ҚИЛИНДИМИ,
БА ЖАРИЛСИН!

Дилмиздаги гапни очиб айтмоқчиман. Кейинги вақтларда жумҳурият Президенти халқимиз манфаатини қўлаб қатор ҳужжатлар қабул қилди. Уларни бирма-бир санаш ниятида эмасман. Ҳаммаси инсонийлик нуқтаи назаридан белгиланган ҳаётий тадбирлардир. Лекин ана шу кўрсатмалар қўйиш таъкидотларда бажарилмаётганидан дилим ранжийди. Жуда кўпмак маҳаллий қарорлар ҳам амалга ошмай қолиб кетмоқда. Масалан, 1990 йилда Ғалаба ноҳия ижроия қўмитаси «Қўрғонча» посёлкида 1256 ўринли ўрта мактаб қурилиши тўғрисида қарор қабул қилган эди. Ярим йилча вақт ўтди ҳамки, мактабнинг қурилишини бошлашдан дарак йўқ. Саббаби уни оталиққа олган «Қўрғонча» луб заводи 1988 йилдан бери лойиҳа учун мўлжалланган 36 миң сўмини ажратмай келаяпти. 1989 йилда корхона директори Жўра Хоназаров қишлоқ-

ни водопровод суви билан таъминлаш учун ҳам пул ажратиши керак эди. Бу ҳам бажарилмади.

Ноҳиядаги Волков номли совхоз директори Ж. Асилбеков эса посёлкадаги 300 ҳўжаликдан томорқа сўраб тушган эри-зани инobatга олмади. Мана, баҳор ойлари ҳам ўтиб бўлди, ҳамон ердан дарак йўқ. Коммунизм қишлоқ Совети раиси А. Исмоилов совхоз директорининг тазйқи остида ташландиқ, зах ерларни томорқа участкасига ажратиш ниятида юрибди.

Қўрғончада аҳолини газ билан таъминлашга ҳам эътибор йўқ. Лекин илгари газлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Шу муносабат билан конференция минбарига қўйиладиган таклиф қиламан.

1. Ноҳиялар раҳбарлари ўринсиз қарорлар қабул қилишмасин. Қарор қабул қилинганда, унинг бажарилиши қатъий таъминлансин.

2. Деҳқонлар фақат сугорилмайдиган ер билангина таъминлансин. Бу борада меҳнатчиларни алдашга, тамагирликка қўл қўйганларга нисбатан қаттиқроқ чора қўрилишини истаётман.

Тошўлат АЗИМОВ,
Ғалаба ноҳиясидаги «Қўрғонча» қишлоқ маҳалла комитетининг раиси.

Муҳаррир

Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ
48-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990 — 1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиниш Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг пойтахтида яқин районларида яшовчи 9—11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар қўйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинади: хотин-қизлар, болалар ва эркаклар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористка.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар 3 йил ўқийдилар ва бепул иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқиниш битирганларидан сўнг улар ўрта маълумот ва эгалланган касблари ҳақида диплом оладилар.

11-синфни битирган қизлар 1 йил ўқийдилар ва улар ҳар ойда 30 сўм миқдорда стипендия оладилар.

Ҳамама ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

Ўқиниш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Битирувчи курс аълочи ўқувчиларининг 10 фоизига ўқиниш қириш учун йўллама берилади.

Ўқувчилар «И. Ганди» номи маданият саройидан кенг фойдаланадилар. У ерда ҳар хил тўғараклар: спорт секциялари, каратэ ва диско клублар мавжуддир.

Ўқувчилар корхона территориясига жойлашган маиший ва медицина хизматидан, соат ва оёқ-кийим устaxonасидан, сартарошхона, кийим-кечак ва озиқ-овқат магазинидан, спортларотрийдан фойдаланадилар.

Билим юртида ўқувчилар бадий хаваскорлик тўғрисида «Модалар театри» тўғрисида, шунингдек, спорт секцияларида иштирок этишлари мумкин.

Каникул даврида ўқувчилар Совет Иттифоқи шаҳарларига, дам олиш базаларига бепул туристик путёвқалар билан таъминланадилар.

Ўқиниш кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни топиришлари лозим: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), тузар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва медицина справкалари, 3x4 см. ҳажмидаги 4 донa фотосурат.

Тутилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан қўрсатилди.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5-а уй. (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 60а, 71, 80а-автobусларнинг «Қизил тoнг» ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

МИНИСТРЛИГИ

10-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990 — 1991 ўқув йилига

қўйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЯККА БУЮРТМАЛАРНИ ТИКУВЧИЛАР, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ САРТАРОШЛАР, ҚАНДОЛТЧИЛАР, ОШПАЛАР, ХОЛОДИЛЬНИК ТУЗАТИШ СЛЕСАРЛАРИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИЛАРИ, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КАССИР-КОНТРОЛЕРИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 9—11-СИНФ ҲАЖМИДА

МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ЕШЛИ ВА УНДАН КАТТА БЎЛГАН ЯГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиниш муддати — 1—1,5—3 йил.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзilib, қўйидаги ҳужжатлар билан топирилади: тутилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиги ҳақида справка, тузар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, таржиман ҳоли, характеристика, 6 донa фотосурат (3x4 см.).

Билим юрти адреси: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов ноҳияси, 1/2 Қора-Қамиш массиви, 20-уй. (42, 43 «а», 56, 93-автobуслар, 19, 27-трамвайларнинг «Мактаб», 7, 10-троллейбусларнинг охири «1/4 Қора-Қамиш» массиви, 82-автobуснинг «1/4 Қора-Қамиш» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
БЕКОВОД ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990 — 1991 ўқув йилига
қўйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«Бошланғич синфларда ўқитиш» — 8-синф негизда ўзбек тилида ўқитилади, 10-синф маълумоти билан рус тилида ўқитилади.

Ўқиниш муддати: 8-синф негизда — 3 йилу 10 ой;

«Меҳнат фанини ўқитиш» (хизмат кўрсатувчи меҳнат) — 8-синф негизда ўзбек тилида ўқитилади, 10-синф негизда ўзбек тилида ўқитилади.

Ўқиниш муддати: 8-синф негизда — 3 йилу 10 ой;

10-синф негизда — 1 йилу 10 ой;

«Мақтабгача тарбия» — 8-синф негизда ўзбек ва рус тилида ўқитилади.

Ўқиниш муддати: 8-синф негизда — 3 йилу 10 ой.

Кириш имтиҳонлари:

«Бошланғич синфларда ўқитиш», «мақтабгача тарбия» ихтисослари бўйича: 8-синф негизда — касбага йўналтирилганлик; декламация, музиқани тинглаш қобилиятига оид маълумотлар; она тили (диктант), математика (огзак), 10-синф негизда — касбага йўналтирилганлик; декламация, музиқани тинглаш қобилиятига оид маълумотлар. Она тили (иншо), математика (огзак);

«Меҳнат фанини ўқитиш» ихтисоси бўйича: 8-синф негизда — она тили (диктант), математика (огзак); 10-синф негизда — она тили (иншо), математика (огзак).

Зарур ҳужжатлар: ариза, 8 йиллик ёки ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар (асли), 086/У андозасидаги тиббий шаходатнома, 3x4 см. катталидаги фотосуратлар, паспорт (тутилганлиги тўғрисида гувоҳнома) шахсан қўрсатилди, колхозчи меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлаб чиқаришда ишлайдиганлар учун).

Ўқувчилар 1 июндан 30 июлгача қабул қилинади.

Ўқувчиликка қабул қилиш — 25 августгача.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Бекобод району, Зафар қишлоғи, Шевченко кўчаси. Телефонлар: 52-1-24, 52-6-66.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ МЕХНАТ ҚИЗИЛ

БАЙРОҚ ОРДЕНИ

ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК

КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР
ПЛАНИ

- | | |
|------------|---|
| 1 июнда — | БОРИС ГОДУНОВ. |
| 2 июнда — | СЕВГИ ТУМОРИ. |
| 3 июнда — | ДОН КАРЛОС. |
| 4 июнда — | ТОХИР ВА ЗУХРА. |
| 5 июнда — | ДУНЕНИНГ ЯРАТИЛИШИ. |
| 6 июнда — | ФЛОРИЯ ТОСКА. |
| 7 июнда — | ОҚҚУШ КҮЛИ. |
| 8 июнда — | ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН. |
| 9 июнда — | СЕВГИ АФСОНИСИ. |
| 10 июнда — | МАЙСАРАНИНГ ИШИ. |
| 11 июнда — | ИККИ ДИЛ ДОСТОНИ. |
| 12 июнда — | СЕВИЛЬЯ ДАСТАРОШИ. |
| 13 июнда — | СПАРТАК. |
| 14 июнда — | МАСХАРАБОЗЛАР. |
| 15 июнда — | РАЙМОНДА. |
| 16 июнда — | ЗЕВУНИССО. |
| 17 июнда — | БОҒЧАСАРОЙ ФАВВОРАСИ. |
| 18 июнда — | ИОЛАНТА. |
| 19 июнда — | БАЛЕТ, БАЛЕТ, БАЛЕТ... (премьера). |
| 20 июнда — | КАРМЕН. |
| 21 июнда — | БАЛЕТ, БАЛЕТ, БАЛЕТ (премьера). |
| 22 июнда — | РИГОЛЕТТО. |
| 23 июнда — | ЖИЗЕЛЬ. |
| 24 июнда — | ЧИО-ЧИО-САН. |
| 25 июнда — | ТУМАРИС. |
| 26 июнда — | КНЯЗЬ ИГОРЬ. |
| 27 июнда — | Спектакллар — соат 18.00 да, шанба ва яшанба кунлари соат 18.00 да бошланади. |
| 28 июнда — | Билетлар сотилимоқда. |

Ҳодиса

ЎЗ УЙИНИ
ТОПДИ

«Политотдел» колхозини тракторчи Темури Сайфуллин даладан қайтганда, катта йўл ёқасида болганини янгиликни эшитди. Трактордан сакраб тушди-ю, олти ёшлар чамасидаги болани кўрди.

— Уйинг қаерда! — сўради тракторчи.

— «Ўзбекистон» колхозини, Тинчлик кўчаси...

Темур бола билан бирга у айтган тарафга йўл олди.

— Йўқ, уйим бу ерда эмас, — деди ўзини Роберт деб таништирган бола.

Тракторчи ҳайрон бўлди. Сўнг Робертни ўз уйига олиб келди. Оила аъзолари бола атрофида парона бўлишди. Темурининг рафқаси болани ювинтириб, овқатлантирди, тоза кийимлар кийдирди.

Эртаси куни Т. Сайфуллин Тинчлик кўчаси яна қайси жойда бўлиши мумкин, деган ҳаёл билан йўлга отланди.

— Холамлар Тинчлик кўчасида туришди-ку, — деди унинг фарзандларидан бири.

Дарвоқе, «Ленински йулы» кўчалардан бири ҳам шундай аталарди. Темурининг рафқаси Дилбар Роберт Кичкин ўша кўчага олиб борди. Машина тўхташи билан болакининг чехраси ёришиб кетди.

— Мана шу бизнинг кўча, — дея уйи томон югурди. Туни билан миққо қолмаган буюкс билан босиб Робертни кўриб, қувониб кетди. Бола эса ҳеч нарса бўлмагандек, ҳовлидаги велосипедни ҳайдаб, уйинга берилиб кетди...

Бола баҳона Темури Сайфуллин оиласи кичик Роберт оиласи аъзолари билан қийматли дўст тутинишди.

Р. ИСҲОҚОВ,

Коммунистик ноҳияси.

● СЎНГГИ ТАРАДДУД

● СССР футбол федерацияси Италияда ўтадиган жаҳон чемпионати финал ўйинларида иштирок этидиган ўйинчиларнинг дастлабки рўйхатини эълон қилди. Унга 22 ўйинчи кирди. Лекин бу узил-кесил рўйхат эмас. Унга 28 майга қадар қисман бўлса ҳам ўзгариш киритиш мумкин. Лекин бир нарсаси — А. Михайличенко бу рўйхатга кирмаслиги аниқ. У Исроиел терма командаси билан бўлган ўйинда елкасида шикастланган.

● ТОШКЕНТДА ИШ БОШЛАГАН БУ СПОРТ КОМПЛЕКСИ

фақат аёллар учун мўлжалланган. Унда аэробика, даволаш физкультураси, гимнастика, у-шу, каратэ, тиквандо турлари бўйича гуруҳларда машгулотлар олиб борилади. Шунингдек, бу ерда доривор ўсимликлардан тайёрланган салқин ичимликлар билан савдо қилувчи фитобар ҳам ишлаб турибди.

Суратларда: маданий соғломлаштириш марказининг кўриниши; аэробика машгулотлари пайти.

Ф. ҚУРБОНБОВЕ
(ЎзТАГ) суратлари.



СПОРТ

ганлиги сабабли камиде олти ҳафта даволашни лозим. СССР терма командаси Италияга 4 июнда учиб кетади. Маълумки, жаҳон чемпионати 8 июнда Аргентина — Камерун учрашуви билан бошланади.

ҚАҲРАМОН ХОТИРАСИ УЧУН

● СОВЕТ Иттифоқи Қаҳрамони Осмон Касеев хоти-

раси соврини учун бу галги Бутуниттifoқ туририда


Туркиястон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Бошқирдистон, Татаристон, Шимолий Кавказ автоном вилоятлари-

дан келган 120 спортчи қатнашди. 50 килограммгача вазнда голиб келган пистентлик Абдурашул Сантбеве

голиб бўлиб, мусобақа низоми кўра РСФСР спорт

мастери нормативини бажарди. Абдуқодир Пирматов 100

килограммгача полвонлар баҳсида иккинчи бўлди.

ТОШКЕНТ
ҲАҚИКАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС:

700083, ТОШКЕНТ

ЛЕНИНГРАД КҮ-

ЧАСИ, 32.

